

ФИЛОЛОГИЯНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛАРИ

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

60



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ФИЛОЛОГИЯНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

---

**ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY**

---

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ**

---

*Филология фанлари доктори, профессор Шоира Нематовна  
Ахмедова таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан  
ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари*

*Materials of the International scientific conference Organized on  
the occasion of the 60th anniversary of Doctor of Philology, Professor  
Shoira Nematovna Ahmedova*

*Материалы Международная научная конференция  
организована к 60-летию со дня рождения ученой, профессора  
Бухарского государственного университета Ахмедовой Шоирсы*

---

*2020 йил 24-26 декабрь. Ўзбекистон  
December 24-26, 2020, Uzbekistan  
24-26 декабрь, 2020 г. Узбекистан*

**«ТУРОН-ИҚБОЛ» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ - 2021**

УЎК 821.512.133.3

ББК 84(075)

Ф 30

Филологиянинг долзарб масалалари [Матн] / Нашрга тайёрловчилар  
М. Ҳақимов ва бошқ. – Тошкент: “Turon - iqbol”, нашриёти, 2020. – 464 бет.

*Тўпладан халқаро конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда  
филологиянинг турли йўналишларига оид сўнгги илмий қузатишлар  
ёритилган бўлиб, соҳанинг барча мутахассисларига мўлжалланган.*

**Тўплаб нашрга тайёрловчилар:**

кич.и.х. М.Ҳақимов, таянч докторант Н.Қодирова

**Таҳрир ҳайъати:**

акад. Б.Назаров, ф.ф.д., проф. И.Ҳаққулов,  
ф.ф.д., проф. Қ.Қахрамонов, ф.ф.д. С.Мелиев, ф.ф.д. С.Тўлаганова,  
ф.ф.д. Д.Ражабов, ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.д. Ш.Давронова,  
ф.ф.н. Э.Очилов, ф.ф.н. Г.Сатторова, ф.ф.н. З.Қобилова,  
ф.ф.н. Ҳ. Сафарова, ф.ф.н. Қ.Тўхсанов

**Тақризчилар:**

Ф.ф.д. И.Ёқубов, ф.ф.д. Ш.Турдимов

*Илмий тўплам ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институтини Илмий кенгаши қарори (2020 йил 15 декабрь, 7-сонли йиғилиш  
баённомаси)га асосан нашрга тавсия этилган.*

ISBN: 978-9943-5122-5-2

© “TURON-IQBOL“ нашриёти, 2021

## ОФЕЛИЯ НУТҚИДАГИ БАДИИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТАРЖИМАЛАРИДА ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

**Аннотация:** Мақолада “Ҳамлет” трагедиясидаги Офелия образи нутқидаги образли воситаларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга инглиз адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималарининг бевосита ва бавосита турлари ўртасидаги тафовутлар ҳамда таржима жараёнида образли воситаларнинг қайта яратилиш усуллари тадқиқ этилган.

**Аннотация:** В этой статье ведутся рассуждения специфические качество образа Офелия. Изучив данное произведение в нашей работе исследуются различия между опосредственными и непосредственными переводами с английского, а также способы воспроизведения образных средств.

**Annotation:** In this article are learned the translations Ofheliao of the tragedy “Hamlet”. In this research work distinctions between direct and indirect translations are studied which were done from English and methods of recreating of the images of English poetry.

**Калит сўзлар:** фожиа, таржима, аслият, Шекспир драмалари, образ, инглиз тили, таржимон, персонаж, Офелия.

**Ключевые слова:** трагедия, перевод, оригинал, драмы Шекспира, образ, английский язык, переводчик, персонаж, Офелия.

**Key words:** tragedy, translation, original, Shakespeare’s dramas, English language, translator, character, Ofhelia.

### Кириш.

Буюк драматург Шекспирнинг пьесаларидаги персонажларнинг ҳаракатлари поэтик нутқ билан уйғунликда намоён бўлиши кузатилади. Драматургияда персонажлар қайсидир воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги оддийгина маълумотлар келтиришигина эмас, балки уларнинг ўз фикрлари, ҳаяжону-ҳиссиётлари, ниятлари ёки хавотирларини қандай тарзда ифода этиши муҳимроқдир. “Ҳамлет” фожиасидаги персонажлар нутқида жарангловчи образли лейтмотивлар асарнинг ўзига хос муҳитини юзага келтирадilar. Трагедия қахрамонларидан бири Офелия нутқидаги образли воситалар дунёси худди қизнинг ўзидек содда ва тиниқдир. “Насиҳатларингни худди жоним устига Туморчадек осиб қўяй”, “Юрагимга бекитаман, калитни эса Ўзинг билан ола кет”, “Дада, билолмайман нима дейишни ҳам”, “Хўп, дада”, “Демак, кўпроқ алданибман” [1] каби Офелиянинг юқоридаги гапларидан унинг ҳаётда ҳам жуда содда ва камтар инсон эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фожиада кўз олдимизда ҳар якшанба куни черковга борадиган, гуллар теришни ва уларнинг муаттар ҳидини хуш кўрувчи, Шекспир замонидаги зодагонларнинг қизларига хос бўлганидек у ҳам муסיқадан сабоқ олиб ва балладалар куйлаб юрувчи бир қиз гавдаланади.

Образли ифодаларнинг таржима ва аслиятда берилиш даражасини куйидаги жадвал яққол кўрсатади:

AM	Ж.Камол таржимаси	М.Шайхзода таржимаси	Б.Пастернак таржимаси
O, what a noble mind is here o'erthrown!	Ҳалок бўлмиш қандай асл, ноёб бир ақл! (б.91) +	Қандай нозик бир зеҳн барбод бўлди, ох! (б. 113.) +	Какого обаянья ум погиб! +
The courtier's, soldier's, scholar's, eye, tongue, sword;	Аъён эди, аскар эди, олим эди ул (б. 91.) +	Унда билим, фасоҳат, мардлик жам эди (б. 113.) +	Соединенье знания, красноречья+
The expectancy and rose of the fair state	Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул (б. 91.) +	У бизнинг байрамимиз, умидлар гули (б. 113.) +	И доблести, наш праздник, цвет надежд +
And I, of ladies most deject and wretched, That suck'd the honey of his music vows	Хўш мен-чи? Мен кимман энди, бадбахт бир хотин, Юрагимда ваъдаларнинг асали-тоти. +	Аммо мен-чи? Дунёда энг ночор хотин. Қалбида бор у ичган онтлардан асал. (б.113.) +	А я? Кто я, беднейшая из женщин, С недавним медом клятв его в душе+

(«++» тўлиқ мослигини, «+» қисман, «—» мосликнинг йўқлигини англатади).

Юқоридаги жадвалда Офелия ўз нутқида бир қатор образли воситаларини келтиради. Масалан, Ҳамлетни “мода кўзгуси”, Лаэрт берган маслаҳатларини ўзининг хотирасида (худди қутичадек) қулфлаб асрашини калитини эса акасининг ўзида сақланишини ва ҳ.к. айтади. Жадвалимизда келтирилган биринчи образли восита: O, what a noble mind is here o'erthrown! (сўзма –сўз таржимаси: О, қандай олижаноб ақл нобуд бўлди) Сухбат чоғида Ҳамлет бир неча бор Офелияга узлатга чекинишни (монастирга боришни) айтганида, қиз Ҳамлетдек мутафаккир, буюк шахс – шахзоданинг телбаликка чалинганидан зорланиб кўз ёш тўқади, қайғуга ботади. Демак, АМ ги “O, what a noble mind is here o'erthrown!” каби метафора шаклидаги образли воситаси Ж.Камол “Ҳалок бўлмиш қандай асл, ноёб бир ақл!” ва М. Шайхзода таржималарида “Қандай нозик бир зеҳн барбод бўлди, ох!” деб шакли ўзгаришсиз тарзда ўгирилган. Мисолимизда Ҳамлет образининг мутфаккир, буюк шахс бўлганлиги каби воситасининг замирида турувчи эпитет шаклидаги тимсолида “a noble mind” акс эттирилган ва мазкур восита Ж.Камол “асл, ноёб бир ақл” ва М.Шайхзода таржималарида “нозик бир зеҳн” деб шакллари ўзгаришсиз, яъни эпитет шаклида ўзбекчаштирилган. Ушбу мисолда Ҳамлетнинг улуғворлиги, буюк мутафаккир эканлиги унинг “ноёб ақл”и каби тимсолида тасвирланган образли восита орқали ёритилган. Бу ҳолда метафора ўзбек тилига ҳам метафора орқали бир ҳил шаклда кўчирилган. Метафора негизда турган образ ҳам ўзгар-

тирилмаган, яъни ақл ва зеҳннинг ўқувчи тафаккурида мавжуд бўлган қарашларига таяниб таржима қилганлар.

Жадвалдаги кейинги образли восита “The courtier’s, soldier’s, scholar’s, eye, tongue, sword” (сўзма-сўз таржима: Амалдорнинг, аскарнинг, олимпинг, назари, тили, тиғи.). Бу каби образли воситада Офелия бир Ҳамлетнинг ўзида шунча хусусиятлар жам бўлган қанчалик буюк одамдан ажралганларини қаттиқ изтироб билан ифода этиб шаҳзоданинг дунёдаги ягона, бетакрор инсон сифатида тасвирлайди. АМги образли воситаси градация шаклида қўлланилган бўлиб ўзбек мутаржимлари “Аъён эди, аскар эди, олим эди ул” (Ж.К.)деб градация (климакс) услубий воситаси ёрдамида ёрқин поэтик образни ярата олган ва “Унда билим, фасоҳат, мардлик жам эди” (М.Ш.) деб градация (антиклимакс) ва асиндетон шаклларида қайта яратадилар. АМ ги образли воситаси замиридаги бирин-кетин санаб ўтилган образлар ва тимсолларорқали Ҳамлетнинг ўзида учта инсоний юксак сифатлар ва уларнинг фазилатлари тасвирланган “амалдор, аскар, олимпинг назари, тили, тиғи” яъни, аслиятдаги образ ва тимсоллар метонимия шаклида келтирилган. Таҳлилимиздаги мисол Ж.Камол таржимасида аслиятга мувофиқ бажарилган, уларнинг метонимик шакли эса генерализация шаклига ўзгартирилган “аъён”, “аскар”, “олим”. Ва шу тариқа АМ нинг тимсолларига тегишли барча инсоний фазилатлар ўзбек таржимасида компрессияга учраб Ҳамлет образи янада жонли ва ёрқин тасвирланганлиги билан бир қаторда Офелиянинг ҳаяжонлари ва нутқининг узук-юлуқлигини ҳам аслиятга мос равишда қайта яратилган.

Мисолдаги образ воситали таржимада “билим, фасоҳат, мардлик” деб метонимия усулида юксак инсоний фазилатлар тимсолларида акс эттирилган. АМги Ҳамлетга келтирилган тасвирида қўлланилган “courtier, soldier, scholar” (амалдор, аскар, олим) каби конкрет образлар тушириб қолдирилган ва уларда мужассам бўлган инсоний фазилатлар умумий тарзда келтирилган. Бундай таржима аслиятдаги образни бир оз пасайтирган ва хиралаштирган. Ўқувчи асл образни воситали таржимаданинг тағмотидан тушуниб олишга мажбур. Бевосита ўғирмада эса Ҳамлет образининг ойдинлиги таъминланган. Воситали ўғирмадаги оғишлар воситачи рус таржимасидан ўзлаштирилганлиги аниқ (буни биз юқоридаги жадвалимизда келтирилган Б. Пастернак ва унинг асосида бажарилган М. Шайхзода таржималарини қиёслаганда кўришимиз мумкин).

Жадвалда келтирилган учинчи қатордаги “The expectancy and rose of the fair state” (сўзма-сўз таржимаси: Кўркам (одил) мамлакатнинг умиди ва атиргули) образли воситаси метафора шаклида қўлланилган. Худди шу восита Ж.Камол ўғирмасида “Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул” ва М.Шайхзода “У бизнинг байрамимиз, умидлар гули” деб эпитет шаклида таржима қилинганлар. Ҳамлет яшаётган салтанатнинг гули эди ва АМ да шаҳзодага “**rose**” (атиргул) тимсоли берилгани унинг ҳақиқатдан ҳам барно йигит, салтанатнинг зийнати, фахри эканлиги ва “**expectancy**” (ишоч, умид) тимсоли эса ҳалқнинг уни яхши кўриши ва унга давлат ҳуқумдорининг ўғли, тахт вориси сифатида катта умид боғлаганини англатади. АМги

мазкур тимсоллар худди ўзидек Ж.Камол ва М.Шайхзода ўғирмаларида “gose” “гул” ва “expectancy” “умид” асраб қолинган. Ўзбек таржималарда АМ ги образли воситасининг шакли ўзгартирилган бўлса-да, бир ҳил тимсоллар қўлланилганлиги туфайли ўқувчида тенг таассурот уйғотади.

Офелия монологидаги кейинги образли восита “And I, of ladies most deject and wretched, **That suck'd the honey of his music vows**” (сўзма-сўз таржима: мен – чи, аёллар ичра энг аянчли ва бахтсизи мен, *унинг ширин-садо ваъдаларининг асалидан шимган (тотган) ўша мен-ман.*) Ҳамлетнинг телбанамолиги ва қўпол муносабати Офелянинг тушқуликка тушиб ўзини дунёдаги энг бахтсиз аёл деб билишига сабаб бўлади. Офелия таниган Ҳамлет доимо ширинсўз ва ёқимтой эди. Ҳозирги телба Ҳамлетда эса аввалги гулдек Ҳамлетдан асар ҳам қолмаган. Аммо, шаҳзоданинг телбаликка чалинганлигида айби йўқлигини Офелия жуда яхши тушунади ва аввалги севгилисини энди қайтара олмаслигини билиб жуда қаттиқ афсусланади. Кейинги гапида Офелия Ҳамлет кечагина берган ширин ваъдаларини асал образида тасвирлайди. Мисолимиздаги метафора шаклидаги образли воситаси “**That suck'd the honey of his music vows**” Ж.Камол таржимасида “Юрагимда ваъдаларнинг асали-тоти.” ва М.Шайхзода “Қалбида бор у ичган онтлардан асал.” деб аслият шаклини ўзгартирмасдан, яъни метафора кўринишида ўгирганлар.

Асардаги фарзандлар ота-оналари қилган хатосининг қурбонларидир. Яъни, Офелия билан Ҳамлет ўртасидаги конфликт бунини тасдиқламоқда. Гертруданинг қилмишлари Ҳамлетда аёл зотига бўлган нафратини уйғотиб уларга бўлган ишончини сўндиради. Шу қаторда шаҳзоданинг Офелияга бўлган муносабати ҳам бутунлай ўзгаради. Аммо, соддадил Офелия Ҳамлет қанчалик кўрслик қилмасин унинг берган ваъдаларининг самимийлигини аниқ билади ва шунинг учун ҳам уларни “**the honey**” (асал) ва “**vows**” (ваъдалар) каби тимсолларда тасвирлайди. Мазкур тимсоллар Ж.Камол “асал”, “ваъдалар” ва М.Шайхзода ўғирмалари “асал”, “онтлар” деб АМга мувофиқ тарзда бажарилган. Мисолимиздаги АМдан келтирилган образли воситаси таржимаси ўзбек ўғирмаларида шакли ва тимсоллари ўзгаришсиз амалга оширилган. Натижада, аслият китобхонидаги тассавурлар таржима тили китобхони тассавурларининг уйғунлигига эришганлар.

Лаэрт Францияга кетишдан олдин итоаткор Офелияга берган насиҳатларига жавобан синглиси “‘Tis in my **memory lock'd**, And you yourself shall keep the **key** of it.” (сўзма-сўз таржимаси: Бу менинг хотирамда (худди қутичададек) қулфланган, Ва унинг калитини сиз ўзингизда сақланг) каби мисолимиздаги метафора шаклидаги образли воситаси Ж.Камол “Юрагимга бекитаман, калитни эса Ўзинг билан ола кет.” ва М.Шайхзода ўғирмаларида “Бекитдим дилга, Кўнглимнинг калидини олиб кет ўзинг” деб шакли аслиятдагидек ўзгаришсиз тарзда ифодаланган.

Бу ерда Шекспир Офелия ва акиси ўртасида бўлиб ўтган мулоҳазаларига “хотиралар” образи берилиб ва мазкур мураккаб образдан тармоқланиб кетган тимсоллар, яъни уларни Офелия (сирли қутичада) “қулф” остида сир сақлашини айтиб қутичанинг “калитини” эса акасига топширади.

АМги Офелия нутқидаги **“memory”** (хотира) каби ўзак образи иккала ўзбек таржимасида тушириб қолдирилган, ammo Офелия нимани назарда тутганини ундан олдинги сатрларда (Лаэрт нутқида) “ёдингда” (Ж.К.) ва “хотирангда” (М.Ш.) деб компенсация қилинган. АМги ўзак образдан тармоқланиб кетган **“lock”** “Юрагимга бекитаман” (Ж.К.) ва “Бекитдим дилга” (М.Ш.) деб ўзгартирилганлар. Бундай таржима аслият матнини қайта яратишга ҳалал бермаган, чунки қулфламоқнинг ҳам, юракка бекитмоқнинг ҳам, дилга бекитмоқнинг ҳам мақсади битта сирни ошкор этмасликдир. Кейинги **“key”** тимсоли эса иккала ўзбек таржимасида ҳам “калит” деб ўзгаришсиз асраб қолинган. Ўғирмалардаги бундай ўзгартиришлар образли воситанинг трагедия матнидаги бажарган вазифасига таянган ҳолда амалга оширилганлиги туфайли, Шекспирнинг китобхонга етказмоқчи бўлган ғоя ўзбек тилида ҳам аслиятга муносиб ҳолда қайта тикланганини кўриш мумкин.

### Адабиётлар

1. Жаҳон адабиёти дурдоналари. Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.34-37.
2. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – 158 б.
3. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.151-187.
4. Вильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Ҳамлет. Мақсуд Шайхзода таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 640.
6. <http://shakespeare.mit.edu/hamlet/full.html>

**NOROVA RAHIMA,**  
BUXMTI o'qituvchisi

### INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGI

**Annotatsiya:** Xalq ertaklari sirliligi, g'aroyibotga boyligi bilan adiblarni o'ziga tortdi. Dunyo adiblari xalq ertagidan o'rganib ertaklar yaratdilar. Yozma adabiyot ertak janrini o'zlashtirgach, o'zbek adabiyotshunoslari adabiy ertak deb atagan janr yuzaga keldi. Jahon adabiyotida nasriy adabiy ertaklar keng tarqalgan. Maqolada ingliz adabiy ertakchiligi haqida mulohaza yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** ertak, folklor, adabiy ertak, ertak roman, ertak qissa, nasriy adabiy ertak, stilizatsiya, folklorizm.

**Abstract:** Folk tales attracted writers with their mystery and richness. Writers of the world learned from folk tales and created fairy tales. The development of the genre of fairy tales in written literature led the way to it to be called literary fairy tales by Uzbek literary critics. Prose literary tales are widespread in world literature. The article discusses English literary fairy tales.

**Key words:** fairy tale, folklore, literary fairy tale, fairy tale novel, fairy tale story, prose literary fairy tale, stylization, folklorism.



## МУНДАРИЖА

### I БОБ

#### ЗИЁГА ИНТИЛГАН УМР ИБРАТИ...

Бахтиёр Назаров, Қурдош Қахрамонов. Юксалиш .....	4
Обиджон Ҳамидов. Ибратли фаолит соҳибаси .....	6
Мамиржон Атаджанов, Зебо Қобилова. Олиманинг серқирра фаолияти .....	8
Алмаз Улвий Биннатова. Олималик саодати .....	9
Салимаҳон Мирзаева, Зилола Раҳмонова. Олиманинг нурли йўли .....	11
А. Сабирдинов, Г. Орипова. Илм билан безанган умр .....	13
Давронова Шоҳсанам. Адабий танқид жанрлари тадқиқотчиси .....	14
Зулайҳо Раҳмонова. Қўнғил тарихидаги устозлар .....	16
Нусратова Ҳамида. Устоз – юксак маънавият тимсоли.....	18
Қодирова Насима. Устоз йўли – ибрат мактаби.....	20
Go'zal Zoyirova. Ustoz oldida mudom ta'zimdamiz .....	22
Лайло Шарипова. Устоз ибрати .....	24

### II БОБ

#### МУМТОЗ АДАБИЁТГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Эргаш Очиллов. Огаҳийнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари .....	27
Абдуллаева Марғуба. Ҳикоят жанрининг адабий хусусиятлари .....	31
Амонова Зилола. Мукаррар санъати жозибаси .....	36
Axroqova Zufnunabegim. Sharq tasavvuf adabiyotida pir-muridlik munosabati.....	42
Ələkbərova Lalə Zakir qizi. Əlieir Nəvainin XX əsr Azərbaycan əaiirlərinə təsiri .....	46
Музаффар Маматқулов. Бадий тасвир воситаси имкониятлари ва Нишотий маҳорати ...	52
Askarova Maftuna. O'zbek mumtoz adabiyoti timsollar tasnifi.....	56
Бозорова Л. Ш. Замонавий шеърятда ҳадисларнинг бадий талқинлари , .....	60
Baxshilloeva Nilufar. "Nazmul-javohir" ruboiylarida islom farzlari talqini .....	64
Ibotova Madina Otabek qizi. O'zbek mumtoz adabiyotida me'roj tasviri .....	67
Murodova Gulchehra. "Hayrat ul abror"dagi XIII bobning nashriy tafovutlari .....	70
Пирназарова Манзура. Лирик қаҳрамон руҳияти тасвирида шоир маҳорати .....	74
Rajabov Dilshod, Samiyeva Mahliyo. Adib Ahmad Yugnakiyning tazoddan foydalanish mahorati .....	78
Ражабова Маърифат. Навоий муаммолари бадий такомилда фольклорнинг таъсири ...	82
Раҳмонова Зулайҳо. Ирфоний адабиётда "Ўлмадан бурун ўлинг" ҳадиси талқини.....	87
Temirova Mohichehra. Alisher Navoiyning "Layli va Majnun" dostoni na't bobi nashrlarining qiyosiy tahlili .....	92
Ғайипов Дилшод. Шеър санъатлар шоир бадий маҳоратининг ифодачиси сифатида ..	95
Ҳайитов Шавкат, Аҳмадова Маҳбуба. Илм ҳақиқати .....	106
Қобилова З. Тешабоева З. Амирий шеърятининг бадий-эстетик таъсир қўлами .....	109
Қуролова Инобат. Мумтоз матн ва луғатлар билан ишлаш .....	115
Gulhayo Amrulloeva. «O'qish» kitoblarida buyuk mutafakkirlar haqidagi rivoyatlar hamda ular aforizmlarining yoritilishi .....	117

### III БОБ

#### XX-XXI АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАДҚИҚИ ВА ТАЛҚИНИ

Бахтиёр Назаров. Замон ва Абдулла Орипов шеърятини .....	125
Иброҳим Ҳаққул. Бедор юрак иқболи бедор бўл, бедор бўл, бедорларга ёр бўл.....	135
Баҳодир Карим. Вадуд Маҳмуд ва Фитрат .....	142
Муродов Ғайрат. Болалар шоири.....	147
Раҳмагулла Баракаев. Турсунбой Адашбоев ижодида бадий санъатларни қўллаш маҳорати.....	151

<b>Абдуллоев Олимжон.</b> Шоира Мунаввара Ойматованинг бадийи маҳорати.....	157
<b>Улуғов Абдулла.</b> Ҳаётга мафтун адиб.....	164
<b>Файзуллоев Бахтиёр.</b> Туркиғий шоирлар устоз Айний нигоҳида.....	170
<b>Давронова Шоҳсанам.</b> Назар Эшонқул “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясининг поэтик тил хусусиятлари .....	173
<b>Adizova Nilufar.</b> Erkin Vohidov ijodida milliy – o‘zlik ruhining aks etishi.....	177
<b>Ф.Каримова.</b> Зиёвиддин Мансур шеърятининг бадийи хусусиятларига доир .....	183
<b>Жамилова Башорат Сатторовна.</b> Автобиографик қиссаларда нарратология – баёнчилик услубининг ўзига хос кўринишлари .....	186
<b>Мунисжон ҲАКИМОВ.</b> Жамол Камол шеъриятида кўнгил тимсоли .....	190
<b>Жовлиев ЖАВЛОНБЕК.</b> Чўлпон ва Шайхзода.....	195
<b>Zo‘irova G O‘zal.</b> Samandar Vohidov she‘riyatida shakl va mazmun uyg‘unligi .....	200
<b>Khudoyberdiyev Jasur.</b> The scholarship of international literary critics about Uzbek jadid writers.....	207
<b>Mirsharipova Shahzoda.</b> Tarixning takrorlanishi .....	210
<b>Mo‘minova S.</b> Ruhiy olam inkishofi .....	213
<b>Нусратова Ҳамида.</b> Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний дарсликлари мундарижаси .....	215
<b>Normurodova Nigora.</b> Sadriddin Ayniyning “Esdaliklar”ida real hayot tasviri .....	220
<b>Норова Насиба.</b> Усмон Кўчқор ғазалларида анъана ва новаторлик .....	222
<b>Райхонова Мухайё.</b> Абдулла Орипов шеърияти поэтикаси .....	225
<b>Рахматова Нигора.</b> Эркин Воҳидовнинг адабиётшунослик фаолиятига бир назар .....	229
<b>Salimova Salimaxon.</b> “Tazarru bog‘lari” she‘riy turkumida tabiat tasviri va lirik qahramon ruhiyati ifodasi .....	233
<b>Сафарова Ҳилола.</b> Самандар Воҳидов шеъриятида ватан мадҳи .....	235
<b>To‘gayeva Mohinur.</b> Shoyim Bo‘tayevning “Shamol o‘yini” qissasida xalq milliy ruhiyati .....	240
<b>Azimova Muhabbat, Habibova Maftuna.</b> Buxoroning she‘riy xaritasi.....	243
<b>Ширинова Азиза.</b> Шавкат Раҳмон шеърияти образлар олами .....	247
<b>Salohiddinova Lobar.</b> O‘zbek bolalar she‘riyatida analitik folklorizm .....	250
<b>Шодиева НИГИНА.</b> Ҳозирги ўзбек насрида шамол образи .....	253
<b>Go‘zal Salohiddinova.</b> “Iztirob”ni o‘qib .....	257
<b>M.Q.Salohiddinova.</b> Bolalarbop tajnisli ikkiliklar .....	260
<b>Шарипова Лайло.</b> Маҳоратли шоир .....	264

#### IV БОБ

#### АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА АДАБИЙ ТАНҚИД МУАММОЛАРИ

<b>Ахмедова Шоира.</b> Бухоро адабий муҳити олим талқинида .....	270
<b>Махмудова Наргиза.</b> Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанрининг хусусиятлари .....	280
<b>Narzulloeva Nilufar.</b> Abdulla Qahhor va Said Ahmad .....	284
<b>Равшанова Гулрухбегим.</b> Ҳажвиётда рамзийликнинг ўрни.....	287
<b>Раҳмонова Зарина.</b> Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик муаммоси .....	291
<b>Қодирова Насима.</b> Услуб ва ижодий индивидуаллик масаласи .....	297
<b>Худойкулова Марҳабо.</b> Баҳсда адабий муаммолар талқини.....	302
<b>Назарова Д.</b> Адабий портрет ривожига хусусида .....	304
<b>Олтиной Курбонова.</b> Абдулла Орипов ҳақидаги теран талқинлар .....	306
<b>Murodova Farangis.</b> Obzor maqolada hikoyalar talqini .....	309

#### V БОБ

#### ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

<b>Д.Ўраева, М.Қодирова.</b> Масофавий таълимда фолкклорни ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти .....	313
<b>Улуғмурод АМОНОВ.</b> Элбек – фолкклор тўпловчиси ва тадқиқотчиси.....	319

<b>Абдурахмонова Феруза.</b> “Ёр-ёр” атамаси ҳақида .....	324
<b>Баходир Жовлиев.</b> Бадиий асарда мифологик талқин масаласи .....	329
<b>Жабборов Фаррух.</b> “Малика айёр” дostonи номининг ёзилишига уч хил ёндашув .....	335
<b>Жуманов Элбек.</b> Ўзбек халқ эртакларидаги ўрталиқ формулалар .....	338
<b>Рахмонов Зикриё, Рахмонова Дилбар.</b> Фольклор как составляющая часть национальной культуры .....	344
<b>Сабиранова Насиба.</b> Хоразм халфачилиги тараққиётида шоира – дostonчи хоним халфанинг ўрни .....	347
<b>Шералиева Сайёра.</b> Задачи фольклористики. Историческое развитие фольклора народов центральной азии. Сущность дастанов .....	352
<b>Юлчураев Орзубой.</b> Меҳнат қўшиқлари таснифи баходир саримсоқов талқинида .....	358

## VI БОБ

### АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК

<b>Мақсуд Асадов.</b> Маънавий камолот йўли .....	364
<b>Астанова Гулнора.</b> “Минг бир кеча”да шарқ аёли талқини .....	373
<b>Ҳилола Ахмедова.</b> Инглиз адабаси ижодининг талқинлари .....	375
<b>Мухтор Рўзиев.</b> Ҳанс Шнир – “масхарабознинг қарашлари” романининг бош қаҳрамони	378
<b>Бегимқуллова Шахноза, Холикова Мукаддас.</b> Фарука Гавҳарий – садоқатли аёл образи	380
<b>Vuviniso Nosirova.</b> Dunyo adabiyotida ota obrazi .....	385
<b>Қаҳрамон Тўхсанов, Отабек Бабаев.</b> Таржимада тил бойлигидан фойдаланиш .....	388
<b>Teshayeva Gulnoza.</b> Abdulla qodiriy va turkiy xalqlar romanchiligi .....	393
<b>Мизрабова Жерен.</b> Офелия нутқидаги бадиий воситаларнинг ўзбек таржималарида қайта яратилиши .....	397
<b>Norova Rahima.</b> Ingliz adabiy ertakchiligi .....	401
<b>Azimov Ulug'bek.</b> “Masnaviyi ma'naviy”da oddiy folklorizm .....	403
<b>O'rinova Maftuna.</b> “Tog'lar qulayotgan zamon(abadiy qallic)” romanida umuminsoniy fojialar va badiiy talqin .....	407
<b>Qudratova Muborak.</b> Cho'lpon “Shohnoma”ning turkcha tarjimasi” va “Uvaysiy” maqolalari... 411	411

## VII БОБ

### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Найимов Сади.</b> Антропоонимы Бухарской области .....	417
<b>Дуйсабаева Дилбар.</b> Проблемы развития лингвокультурологической компетенции при изучении родного языка и литературы .....	420
<b>Ш.Набиева.</b> Она тили дарсликларининг шаклланиши .....	424
<b>Mustaqimova Qunduz, Boltayeva Nodira.</b> Reklama tilida metafora va iboralarning o'rni .....	427
<b>Носирова Мубина.</b> Теоретические основы изучения концептов в когнитивной лингвистике .....	431
<b>Ф.Н.Элмуродова.</b> Хорижий тилларни ўқитиш ва маданий тадбирлар орқали маданиятлараро мулоқот кўникмаларини шакллантириш .....	436
<b>Холматова Шохиста.</b> Аксиологическая значимость пословиц, характеризующих семейные отношения .....	440
<b>Sobirova Dilnoza.</b> Tibbiy reklamalarda uslubiy figuralar .....	445
<b>Aminova AMIRA.</b> Lingvokulturologik konseptlar xususida .....	448
<b>Sharipova Maftuna.</b> “Qo'y” limgi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida metafora .....	453
<b>Ашурова Нодира.</b> От ЛМГИ асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг прагматик хусусиятлари .....	458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ФИЛОЛОГИЯНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ**

Муҳаррир: *Мунисжон Ҳақимов*  
Мусаҳҳих: *С. Алимбоева*  
Дизайнер: *А.Фармонов*

«TURON-IQBOL» нашриёти.  
100029, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашриёт лицензияси АІ №216, 03.08.2012.  
Босишга руҳсат этилди 2021.14.04. «Cambria» гарнитураси.  
Қоғоз бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма табағи 29  
Адади 100 нусха. Буюртма № 34

“Turon-matbaa” МЧЖ босмаҳонасида босилди.  
Тошкент шаҳри Олмазор тумани Талабалар кўчаси 2 уй



ISBN 978-9943-5122-5-2

